

БАНКЛАР ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ШАКЛАНТИРИШ ТАРИХИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-1048-1052>

Феруза Амонова

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори PhD.

feruza_amonova88@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада Ўрта Осиё ҳудудида банкларни вужудга келиши тарихи, жумладан, Бухорода фаолият олиб борган банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётни ривожлантиришдаги шитироки, давлат банклари билан бир қаторда тижорат, қишлоқ хўжалик, коммунал банклар ва бошқа миллий банклар фаолияти, хусусий тадбиркорлар ва маҳаллий сармоядорларни давлат банклари орқали қўллаб-қувватлаш механизмининг жорий этилиши, Ўзбекистон Республикасида миллий банк тизимини ривожлантириши, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш жараёнларида банкларнинг шитирокини кучайтириши масалалари ёритилган.

Савдо ва тижоратнинг ривожланишига сабаб бўладиган омилларнинг энг муҳими банк ва биржалардир. Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини таъминлашда банклар муҳим рол ўйнаган. Банклар пул маблагларини тўплаш, жойлаштириш ва уларнинг ҳаракатини тартибга солиш билан шугулланувчи иқтисодий муассасадир. Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг таянадиган асосий устунларидан бири банк бўлиб, молиявий жиҳатдан мустаҳкам ва барқарор фаолият кўрсатувчи банк тизими ҳисобланади. Шунинг учун мустаҳил давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши даражаси ва келажакдаги тараққиёти аввало мазкур мамлакатда барпо этилган ва мунтазам равишда такомиллаштирилиб бориладиган банк тизимининг фаолиятига боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизими энг зарур жамоатчилик муассасалари тизимларидан бири экан, ҳар қандай банкнинг муваффақиятсизлиги бутун жамият миқёсида пул таклифи қисқарishi, тўлов тизими бузилиши ҳамда ҳукумат йирик ва кутмалмаган мажбуриятларининг вужудга келиши каби салбий макроиктисодий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Калит сўзлар: банк, кредит, ссуда, тадбиркор, фирма, завод, ширкат, савдо уйи.

ABSTRACT

This article describes the history of banks in Central Asia, including the banks operating in Bukhara and their participation in the development of a market economy, the activities of state banks, as well as commercial, agricultural, communal banks and other national banks, private entrepreneurs and local investors through state banks, the introduction of a support mechanism, development of the national banking system in the Republic of Uzbekistan, strengthening the participation of banks in the process of structural restructuring of the economy on a comparative analysis of archival documents and historical literature.

The most important factors contributing to the development of trade and commerce are banks and stock exchanges. Banks have played an important role in ensuring the circulation of money in a market economy. Banks are economic institutions that collect, place, and regulate the movement of funds. One of the main pillars of any country's economy is the bank, which is a financially sound and stable banking system. Therefore, the level of socio-economic development and future development of an independent state depends primarily on the activities of the banking system, which has been established in the country and is constantly improving. Since the banking system is one of the most necessary public institutions in a market economy, the failure of any bank can lead to negative macroeconomic consequences, such as reduced money supply throughout society, disruption of the payment system and the emergence of large and unexpected government obligations.

Keywords: bank, credit, loan, entrepreneur, firm, factory, company, trading house.

КИРИШ

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг таянадиган асосий устунларидан бири молия соҳаси бўлиб, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам ва барқарор фаолият кўрсатувчи тизим банклар ҳисобланади. Россия банкларининг Ўрта Осиёга, жумладан, Бухоро амирлиги ҳудудига кириб келиши маҳаллий тадбиркорлар билан биргаликда рус фирма ва жамиятларининг ўзаро шерикчилик алоқаларини кенгайишига, амирликда вужудга келган завод ва корхоналарни ривожлантириш ва маблағ билан таъминлашда муҳим роль ўйнади.

XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярми Бухоро амирлигига банк билан муомила қилмаган савдогар саноқли кишиларни ташкил қилган. Онгли савдогар учун банклар ҳаво ва сувдек муҳим аҳамиятга эга бўлган. Рус савдогарлари учун Бухоро амирлиги, БХСР ҳудудларида эркин ҳаракатланиш,

савдо фаолиятини олиб бориш уларга кўчмас мулклар сотиб олиш хуқуқларининг берилиши қатор Россия халқаро, минтақавий ва хусусий банклари филиалларининг очилиши ва шу кабилар аслида Бухоро амирлари ва БХСРнинг мутлақ ҳукмдорлик мақоми чеклаб қўйилганлигини кўрсатар эди. Империя ва совет ҳукуматининг иқтисодий соҳада амалга оширилган ислоҳотлари натижасида худудда акциядорлик – тижорат банкларининг бўлимлари қўпая бошланди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳалар қаторида банкомолия тизимида ҳам катта ислоҳотлар амалга оширилди. Соҳани замон талаблари даражасида такомиллаштириш мақсадида бир қатор фармон, қарор ва қонунлар қабул қилинди ва уларнинг ижросини таъминлаш натижасида банклар фаолияти жаҳон стандартларига мувофиқ шакллантирилди.

НАТИЖАЛАР

Бухоро амирлигида кредит тизимининг ва нақд пулнинг йўқлиги, маҳаллий савдогарларни оғир аҳволга туширди. Бундан фойдаланиб, амир ўз саррофлари орқали жуда катта фоизда пул бера бошлаган ва буни йилдан-йилга кенгайтириб борган. 1894 йилда Янги Бухоро (Когон)да биринчи Россия Давлат банки бўлими, 1892 йилда Москва савдо банкининг Бухорода бўлимлари, 1902 йилда эса мамлакат пойтахти Бухоро шаҳрида Рус-Хитой банки ва Халқаро банк бўлимлари очилади[1, 7].

Бухоро амирлигида Биринчи жаҳон уруши бошланган пайтда Бухоро амирлиги ҳудудида 7 та банк муассасаси: Россия Давлат банки бўлими ва 6 та хусусий банк, жумладан, Рус-Осиё банкининг икки шуъбаси (Эски Бухоро ва Карки шаҳарларида) бўлган[2, 235-236].

Амир Сайд Олимхон рус фирмалари билан ҳам ҳамкорлик қилган. Йирик рус ширкатларидан бири “И. Г. Стажеев и К°” савдо-саноат ширкати 1916 йил октябрь ойида Бухоро ҳукуматига “Бухоро мулклари таркибида фойдали ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва қулай савдони ривожлантириш билан шуғулланиш тўғрисида”ги таклиф билан чиқди[3, 64]. 1916 йилда ширкат Рус-Осиё ва Петроград халқаро тижорат банклари миллий банк яъни Рус-Бухоро банкини ташкил этиш бўйича музокаралар олиб борди. И.Стажеев 1917 йил сентябрда Рус-Бухоро банкини ташкил этиш хукуқини олди[4, 1086]. Янги банк Бухоро шаҳрида фаолият юритаётган Рус-Осиё банкининг бўлими негизида пайдо бўлди. Бироқ банкнинг асосчилари И.Стажеев ва Амир Сайд Олимхоннинг мақсадли режалари амалга ошмаган. Большевиклар ҳокимиятни босиб олишгач,

совет Россияси ҳукумати 1917 йил 14 (27) декабрдаги фармони билан барча рус банкларини, шу жумладан, Рус-Бухоро банкини ҳам миллийлаштириди[5, 25].

Бухорода республика тузуми ўрнатилгач (1920 йил сентябрь), янги ҳукумат олдига банк ишларини бутунлай янги асосда ташкил қилиш вазифаси турган. Совет ҳокимияти даврида ҳам шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, хусусан, дәхқонлар ўртасида банк сармоясига талаб жуда юқори эди[6, 60].

Мустақиллик арафасида банк тизими олдида бир қатор жиддий муаммолар турар эди. Хусусан, банк операцияларини амалга ошириш учун зарур технологияларга талабнинг юкорилиги, банк тизими фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва меъёрий хужжатларнинг мавжуд эмаслиги, айниқса янги тартибда самарали фаолият кўрсата оловчи юқори малакали банк соҳаси раҳбар ва мутахасисларнинг тақчиллиги каби масалалар мавжуд эдики, улар мустақиллик йилларида мувофақиятли ҳал этилди.

2017 йилда бошланган иқтисодиётни либераллаштириш ва бозор механизмлари ролини оширишга қаратилган иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичи банк тизими ва пул-кредит сиёсатини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди[7, 5]. Айниқса 2020 йил 12 майда қабул қилинган “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг 2020-2025 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармон банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича “Йўл харитаси” ҳамда стратегияни амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқлаб берди[8].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осий хусусан Бухорода Россиядаги турли банкларнинг бўлимлари сифатида тузилган банклар амирлик ҳудудида саноат корхоналарни ташкил қилиш ва жиҳозлашда, маҳаллий сармоядорлар билан рус тадбиркорлари ўртасидаги турли молиявий алоқаларда катта роль ўйнаган. Бухоро Республикасидаги банклар фаолияти ҳам диққатга сазовардир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда банк тизимини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган ва оширилаётган ислоҳот ва чора-тадбирлар келгусида банкларимиз ривожланган мамлакатлар банклари рейтинг кўрсаткичлари даражасига эришиш, банк инфратузилмаси янада ривожланиши, аҳоли омонатлари банк депозитларига жалб этилиши натижасида банкларнинг ресурс базалари кенгайиши ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи кредитлар динамикаси ошишига олиб келади.

REFERENCES

1. Amonova F. The Russian industrial cities end of XIX – the beginnings of the XX centuries in the Bukhara Emirate // International journal of history. – New Dehli (India). Volume 2, Issue 1. Past A. 2020. – P.7.
2. Ўзбекистон миллий архиви, 50-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 235-236-вараклар.
3. Хотамов Н. Роль банковского капитала в социально-экономическом развитии Средней Азии (начало 90-х гг. XIX в. – 1917 г.). – Душанбе: “Дониш”, 1990. – С.64.
4. Amonova, F. (2020). The importance of the economic views of the jadids on the deepening of economic reforms (on the example of the emirate of Bukhara). Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems –JARDCS. – Kansas (USA). 12(6), – P.1086.
5. Ражабов Қ. Бухоро Халқ Совет Республикасида банклар фаолияти (1920-1924 й.) // “Бозор, пул ва кредит (БПК)”. – Тошкент. 2021. №6. – Б. 25.
6. Ўзбекистон миллий архиви, 50-фонд, 1-рўйхат, 24-иш, 60-варак.
7. Арифходжаева, М. (2016). Ўзбекистон Республикаси банк тизимида рақобат ва уни ривожланишида инновацион технологияларнинг ўрни. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6. – Тошкент. Б.5.
8. “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ПФ-5992-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4811025>
9. Aliyev, B. (2022). Qudrat va farovonlik omili. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(3), 1171-1182.